**Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов Зоминда Республика тарихида илк бор иш бошлаган Таэквондо WT марказининг очилиш маросимида иштирок этди**

Жорий йилнинг 23 май куни Жиззах вилоятининг Зомин туманида жойлашган Даштобод шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги ПҚ-337-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 январдаги 9-сонли қарорига асосан республикамизда биринчи бор Таэквондо ВТ спорт марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Спорт вазири ўринбосари Мурад Исмаилов, Миллий Олимпия қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Таэквондо ВТ ассоциацияси раиси, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов, Зомин тумани ҳокимлиги раҳбарияти ҳамда Париж-2024 Олимпиадаси лицензианти, зоминлик спортчимиз Озода Собиржонова иштирок этди.

